

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙЧАЕВ ФАЗЛИДДИН ХУСЕЛОВИЧ

БЎЛАЖАК КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ТИЗИМИ
МУТАХАССИСЛАРИ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ҚАСБИЙ
ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР ЕЧИШ ОРҚАЛИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(физика фани мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Байчаев Фазлиддин Хусенович

Бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари компетентлигини касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали такомиллаштириш (физика фани мисолида)..... 5

Байчаев Фазлиддин Хусенович

Совершенствование компетентности будущих специалистов системы горно-металлургической промышленности путем решения профессионально-ориентированных задач (на примере физики) 23

Baychaev Fazliddin Khusenovich

Improving the competence of future specialists in the mining and metallurgical industry with the help of solving professional orientation tasks (on the example of physics) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙЧАЕВ ФАЗЛИДДИН ХУСЕНОВИЧ

БЎЛАЖАК КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ТИЗИМИ
МУТАХАССИСЛАРИ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ КАСБИЙ
ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР ЕЧИШ ОРҚАЛИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(физика фани мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Ped1060 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Базарова Саодат Джамоловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Қаҳҳор Шоназарович
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Содиқова Шоҳида Мирзаахмадовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30. 12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11 уй.

Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-25-87)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).


С.Қ.Қаҳҳоров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
А.Р.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д (PhD), доцент
Х.О.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олий таълимни самарали ташкил этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга техник-конструкторлик ҳамда технологик-жараёнли инновацион талаблар қўймоқда. Ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари ва инновацион таълим марказларида ЮНЕСКО ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича “Олий маълумотга оид квалификацияларни тан олиш тўғрисидаги глобал Конвенция”¹га (Global Convention on the Recognition of Qualifications concerning Higher Education) мувофиқ меҳнат бозорининг бугунги кун талабларига жавоб берадиган истиқболли, рақобатбардош мутахассис кадрларни касбий фаолиятга тайёрлашда инновацион дуал таълим технологияларидан фойдаланиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё бўйича фойдали қазилма бойликларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш жуда мураккаб техник жараёнлар эканлигини ҳисобга олган ҳолда, кон-металлургия саноатининг ривожланиши учун малакали кадрларга бўлган талабнинг ортиши, бу соҳада мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини тубдан ўзгартиришни тақазо этади. Сўнгги йилларда кон-металлургия саноатидаги техник ва технологик янгиликлар натижасида катта ўзгаришлар кузатилиб, тоғ-кон муҳандисининг янги қиёфасини шакллантиришда олий таълимнинг фан ўқув дастурлари мазмунини “Барқарор ривожланиш мақсадлари (Sustainable Development Goals - SDGs)” халқаро ўқув дастурлари бўйича такомиллаштириш, талабаларда янги компетенцияларни ривожлантириш, инновацион ёндошувларни ҳисобга олган ҳолда янгича педагогик тизим яратиш устивор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда жамиятнинг барча бўғинларида амалга оширилаётган глобаллашув жараёнида, олий таълим тизими мазмунини стратегик ривожлантириш орқали яхлит парадигмик жиҳатдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида “Геология соҳасида замонавий таълим стандартларини кенг жорий этган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш”² – деб таъкидланган фикрлар, бўлажак мутахассис кадрларни тайёрлашда педагогик шарт-шароитлар, инновацион технологиялар ва халқаро ўқитиш методикаларининг Республикамиз олий таълим муассасаларида амалий тадбиқ этилмаётганлиги, талабаларнинг касбий фаолиятига оид компетентлигини ривожлантириш жараёнида фан, таълим ва ишлаб чиқариш

¹ Global Convention on the Recognition of Qualifications concerning Higher Education (unesco.org).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

интеграциясини амалга оширишда, назария билан амалиётнинг узвийлигини илмий-педагогик жиҳатдан таъминлаш заруриятини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Техника олий муассасаларида “Физика” фанини ўқитишни ҳар бир мутахассислик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш муаммоси педагогиканинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал қилиш - замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Республикамизнинг педагогик олимларидан Б.М.Мирзааҳмедов, К.А.Турсунметов, М.Мамадазимов, С.Қ.Қаҳҳоров, Н.Ю.Тўраев, М.Джораев, М.Т.Қурбонов, Ю.М. Махмудов, К.Насриддинов, Ҳ.О.Жўраев, Э.О.Турдиқулов, Қ.Ш.Турсунов, М.И.Даминов, Г.Э.Карлыбаева ҳамда хорижий мамлакатлар олимларидан В.А.Орлов, А.В.Перышкин, Н.А.Родина, У.В.Усова, А.А.Пинский, В.Г.Разумовский, Ю.И.Дик, С.Л.Рубинштейн, Г.Ландсберг V.L.Larin, A.Bates, J.Daniel, M.Dougiamas, J.Piaget, A.Gartung, J.Kidd Y.Galperin, R.Feynman, Douglas, Ch.Fay, C.Giancoli, T.Hinton, C.Benjamin, J.Chun Shingлар томонидан физика ўқитиш методикасига доир илмий-тадқиқот ишлари бажарилган.

Таълим жараёнида бўлажак мутахассис кадрларнинг компетентлигини шакллантириш, ривожлантириш ва ташхислаш ҳамда педагогик технологиялар ёрдамида таълим мазмунини такомиллаштиришни тадқиқ қилиш масалалари бўйича Республикамиз олимларидан Н.А.Муслимов, У.И.Иноятов, З.К.Исмоилова, Ш.С.Шарипов, Қ.Т.Олимов, О.А.Қўйсинав,

Н.Н.Каримова, Ё.Р.Нажмиддинова, Р.Х.Файзуллаев, К.Т.Уматалиева, А.Р.Жўраевлар ҳамда хорижий мамлакатлар олимларидан Б.Беспалько, Ю.К.Бабанский, Э.Ф.Зеер, А.А.Вербицкий, Н.А.Гришина, И.А.Зимняя, А.В.Хуторский, Н.Н.Будищева, У.И.Атлягузова, Ю.В.Шагина, С.В.Лавриненко, Н.А.Максимова, Р.С.Гершунский, В.Н.Введенский, Н.В.Кузмина, П.Р.Атутов C.R.Berger, W.Grabe, J.Harmer, L.Harveyлар мутахассисларда касбий компетентликни шакллантиришнинг педагогик асослари бўйича тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, техник йўналишлар бўйича муҳандис кадрларни тайёрлашда Республикамиз олимларидан М.Шарифжўжаев, А.Абдуллаев, А.Кучаров, М.Маҳкамова, Н.Нурибетов, Б. Умаров, Ш. Эргашходжаева, Н.К. Юлдашев, С.Ж.Бозорова, Г.Хамдамовалар ҳамда хорижлик олимлардан Т.Рибо, П.К.Энгельмеер, П.М.Якобсон, Ж.Диксон, В.Л.Куровский, А.И.Влазнев, Н.Старшинов, Р.Стернберг, Д.Хамблин D.Coste, B.North, J.Trim, T.March, V.Tomlinson ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида олиб борилган илмий-педагогик таҳлиллар шунинг кўрсатдики, бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари компетентлигини касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали илмий-методик жиҳатдан такомиллаштирилмаганлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “AIF 1/9 – Саноат корхоналарининг талабларига жавоб берадиган янги таълим бериш тизимини ишлаб чиқиш ва дуал таълим тизимини такомиллаштириш” (2019-2021йй.) мавзусидаги академик инновациялар фондининг грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак кон-металлургия саноати мутахассислари компетентлигини физикадан касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари касбий фаолиятга оид компетентлигини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаштириш;

физика фанидан кон-металлургия саноати тизими оид касбий йўналтирилган масалаларни ечишга доир ўқув материаллари ва дидактик таъминотни такомиллаштириш;

инновацион ёндашувлар асосида бўлажак кон-металлургия саноати мутахассислари компетентлигини такомиллаштиришнинг педагогик моделини амалиётга тадбиқ қилиш асосида ўқитиш методикасини ривожлантириш;

педагогик тажриба-синов ишлари натижалари асосида бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари компетентлигини касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали такомиллаштириш жараёни белгиланиб, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларидан 554 нафар талабалар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари компетентлигини касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, методи ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда педагогик тадқиқотларда қўлланиладиган адабиётлар таҳлили, кузатув, умумлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кон-металлургия саноати корхоналари бўлажак мутахассисларининг инновацион фаолиятга тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талабларни ривожлантиришга қаратилган ташхислаш ва новаторликка оид касбий йўналтирилган масалалар ва кузатувчанлик, техник тафаккур, техникани бошқариш бўйича дастурий воситалар орқали физика фанини ўқитиш методикаси мазмунан такомиллаштирилган;

фан, таълим ва ишлаб чиқариш корхоналарини амалий интеграциялаш орқали кон-металлургия саноати корхоналари бўлажак мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш технологияси ва инновацион фаолиятга оид компетентлигини физика фанидан касбий йўналтирилган масалалар ечишнинг педагогик модели дуал таълим траекторияси асосида ривожлантирилган;

физика фанидан кон-металлургия саноатида қўлланиладиган ҳодиса ва жараёнларга оид дидактик материаллар ишлаб чиқиш асосида қазилма бойликларини излаб топиш, уларни қазиб олиш, қайта ишлаш, бойитиш каби техник-технологик жараёнларга оид касбий масалалар ечишнинг педагогик-психологик механизмлари аниқлаштирилган;

кон-металлургия саноати корхоналари бўлажак мутахассисларининг касбий фаолиятга оид техник-конструкторлик, ташкилий-методик, технологик-жараёнли компетентлигини 3D анимациялар, виртуал стенд ва лабораториялар орқали такомиллаштириш, касбий фаолиятга тайёрлаш технологияси ва инновацион ривожлантириш мезонларига асосланган физика фанидан масалалар ечиш бўйича мантиқий, графикли, сифат, ҳисоблашга оид дидактик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларининг “Кончилик иши” таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган касбий йўналтирилган масалалар ечишни ўз ичига олган “Умумий физика курсидан савол ва масалалар тўплами” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган;

бўлажак кон-металлургия саноати мутахассисларининг компетентлигини такомиллаштириш методикасини ривожлантиришга йўналтирилган “Физика курси (Электр ва магнетизм)” номли дарслик ишлаб чиқилган;

“Кончилик иши” таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятидаги тайёргарлик даражасини аниқлаш имконини берувчи дастурий таълим воситалар орқали объектив баҳолаш мезонлари асосида илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари таҳлили ёрдамида асосланганлиги, тадқиқот методларининг тадқиқот вазифаларига мос равишда татбиқ этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажриба-синов натижаларидаги ижобий натижалари ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, техника олий таълим муассасаларида бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари компетентлигини касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали такомиллаштириш методикасининг илмий-педагогик жиҳатдан асосланганлиги, бўлажак мутахассисларда касбий компетентликни такомиллаштириш даражалари ва мезонлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар олий таълим муассасаларининг “Кончилик иши” таълим йўналиши талабаларини касбий фаолитга тайёрлаш тизими мазмуни, ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда малака талабларини такомиллаштиришда, дарслик ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари компетентлигини касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методика, таклиф ва тавсиялар ҳамда илмий натижалар асосида:

бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассисларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган, физика фанидан виртуал материаллар ва техник-технологик жараёнларга оид масалалар ишлаб чиқишни шакллантириш имкониятларига оид таклифлар “Умумий физика курсидан савол ва масалалар тўплами” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сон буйруғи, 394-307-рақамли гувоҳномаси). Натижада талабаларни мутахассисликка тайёрлашда касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали физика фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган;

кон-металлургия саноати корхоналари бўлажак мутахассисларининг инновацион фаолиятга тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талабларни ривожлантиришга оид қулайлик, визуаллик, амалий йўналтирилганликка асосланган дастурий таълим воситасидан фойдаланиб, физика фанини ўқитиш методикасини мазмунан такомиллаштиришга оид таклифлар “Физика курси (Электр ва магнетизм)” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-025-рақамли гувоҳномаси). Натижада техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш жараёнининг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш орқали талабаларни касбий фаолиятга тизимли тайёрлашга хизмат қилган;

фан, таълим ва ишлаб чиқариш корхоналарини дуал таълим технологиялари асосида амалий интеграциялаш орқали кон-металлургия саноати корхоналари бўлажак мутахассисларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясига оид компетентлигини физика фанидан касбий йўналтирилган масалалар ечишнинг педагогик модели ёрдамида ривожлантиришга доир назарий маълумотлардан Навоий давлат кончилик институтининг “АИФ 1/9 – Саноат корхоналарининг талабларига жавоб берадиган янги таълим бериш тизимини ишлаб чиқиш ва дуал таълим тизимини такомиллаштириш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасининг “Кон-металлургия саноати корхоналари бўлажак мутахассисларининг касбий фаолиятга оид техник-конструкторлик, ташкилий-методик, технологик-жараёнли компетентлигини такомиллаштириш, касбий фаолиятга тайёрлаш технологияси ва инновацион ривожлантириш мезонларини ишлаб чиқиш” қисмини бажаришда фойдаланилган (Навоий давлат кончилик институтининг 2021 йил 15 декабрдаги 07/37-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассисларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий-услубий, ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан, 6 таси республика, 4 таси хорижий журналларида нашр этилган. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2 та электрон ҳисоблаш дастурларга муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ишининг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак кон-металлургия мутахассислари касбий компетентлигини масалалар ечиш орқали такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари тайёрлайдиган техника олий таълим муассасаларида физика фанини ўқитишни касбий йўналтирилган масалалар ечишнинг мавжуд ҳолати, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда бўлажак мутахассислар касбий компетентлигини такомиллаштиришга доир адабиётлар, диссертациялар, монографиялар таҳлил қилиниб, уларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришда касбий йўналтирилган масалалардан фойдаланиш имкониятлари ўрганилган ва зарурий хулосалар чиқарилган.

Республикамизда олий таълим соҳасидаги олиб борилаётган ислохотлар барча таълим йўналишлари каби, бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассислари тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ўқитишни инновацион талаблар асосида такомиллаштиришга олиб келмоқда. Шу мақсадда ўқитилаётган ҳар бир фанни буюртмачи корхоналарнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ўқитиш, бугунги куннинг инновацион талабларига жавоб берадиган даражада таълим сифатини ошириш кафолатланган таълим бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги дуал таълим имкониятлари:


- олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро илмий-амалий тажриба алмашилишини интеграциялаш;

- ишлаб чиқариш корхоналарида олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан биргаликда махсулот тайёрлашнинг реал жараёнида иштирок этиш ҳамда уларининг илмий тадқиқот фаолиятини таъминлаш;

- бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий фаолиятдаги компетентлигини такомиллаштиришнинг инновацион механизмини ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш корхоналарида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда бўлажак кадрларнинг касбий фаолиятидаги лаёқатини аниқлашга қаратилган турли танловларни ташкил этиш;

• талабаларнинг касбий фаолиятга оид мотивацияларини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда “Start-up” лойиҳалар, новаторлик ишланмалари ва хўжалик шартномалари асосида қўшимча рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш.



1-расм. Олий таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги касбий фаолиятга йўналтирилган дуал таълим траекторияси

Техника олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги амалий фаолият узвийлигини таъминлашнинг дуал таълим технологияларига асосланган, ўқитишнинг инновацион касбий фаолиятга йўналтирилган траекториясини амалга оширишда физика фанининг ютуқларини кон-металлургия саноатида қўлланишини таҳлил қилиш асосида касбий йўналтирилган масалалар ечишнинг дидактик имкониятларини ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатди (1-расмга қаранг).

Диссертациянинг **“Кон-металлургия саноати тизими бўлажак мутахассислари касбий компетентлигини физика фанидан масалалар ечиш орқали ўқитиш методикаси такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида техника олий таълим муассасаларида физикадан амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси қайта кўриб чиқилиб, кон-металлургия саноатида физика фанининг қўлланишига оид материаллар ишлаб чиқиш асосида касбий йўналтирилган масалалар ечиш ҳамда бўлажак кон-металлургия саноати мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган.

Диссертация иши бўйича олиб борилган изланишлар, “Кончилик ишлари”, “Металлургия” ва “Ноёб ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси” таълим йўналиши

талабалари учун мўлжалланган физика фан дастурининг “Механика”, “Молекуляр физика”, “Электр ва магнетизм”, “Оптика”, “Атом ва ядро физикаси” бўлимлари бўйича амалий машғулотлар олиб боришда, талабалар билим ва кўникмаларининг ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилишига оид оид дидактик материаллар ишлаб чиқилган. Жумладан, “Электр” бўлими мавзуларига оид касбий фаолиятга йўналтирилган масалалар ечишнинг дидактик имкониятлари изоҳланган (1-жадвалга қаранг).


1-жадвал

Физика фани амалий машғулотларида касбий фаолиятга йўналтирилган масалалар ечиш имкониятлари

№	“Электр” бўлими мавзулари	Кон-металлургия саноатида қўлланилиши
1	Электр майдон кучланганлиги ва потенциали. Электр майдонида зарядни кўчиришда бажарилган иш.	Электр майдон ёрдамида ҳавони зарарли зарралардан тозалаш.
2	Электростатик майдонда диэлектриклар. Қутбли ва қутбсиз диэлектриклар.	Электр майдонида рудаларни сепарациялаш (саралаш).
3	Электр сиғими. Якка ўтказгичнинг электр сиғими. Конденсторлар. Электр майдон энергияси.	Тоғ жинсларининг электр сиғими ва диэлектрик сингдирувчанлигини аниқлаш.
4	Ўзгармас ток қонунлари, Жоуль-Ленц қонуни.	Тоғ-кон қидирув ишларида ўзгармас ток қонунларидан фойдаланиш.

Техника олий таълим массасаларида муҳандис кадрларни тайёрлашга оид ўқув дастуридаги физика фани бўйича берилган мавзуларни тушунтиришда, бўлажак мутахассис кадрлар эгаллаши лозим бўлган ишлаб чиқаришдаги физик жараёнлар ва технологияларни ўзида акс этган касбий фаолиятга йўналтирилган масалалар ечиш бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришдаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Масалан, талабаларга “Электростатика” мавзусидаги асосий билим ва кўникмаларни беришда кон-металлургия корхоналарида ҳавони заррали заррачалардан тозалашнинг электростатик усул моҳиятини тушунтириш, берилаётган назарий билимнинг аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади (2-расмга қаранг).

Электростатик усул (ионлаштирувчи) – электростатик кучлар таъсири остида газни қаттиқ ва суюқ зарралардан тозалаш жараёни бўлиб, кон-металлургия саноати корхоналарида ҳавони турли зарарли моддалардан тозалашнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади.



2-расм. Электростатик усул

Физика фанининг ҳар бир бўлимидаги мавзуларга оид масалалар ишлаб чиқиш орқали амалий машғулотларни олиб бориш, ўқув жараёни мазмунининг сифатини оширишга ёрдам беради ҳамда қуйидаги ижобий натижаларга олиб келди:

1) фан, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнлари, дуал таълим технологиялари асосида илмий-амалий фаолият узвийлиги таъминланди;


2) кон-металлургия саноати тизими бўлажак кадрларининг касбий фаолиятида физика қонунларини амалиётга қўллаш кўникмаси шакллантирилди;

3) бўлажак муҳандис кадрларнинг физика фани мавзуларини касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали ўзлаштириш асосида мутахассисликка оид бошланғич билим ва кўникмалар бериш методикаси такомиллаштирилди;

4) бўлажак кон-металлургия саноати мутахассис кадрларнинг ишлаб чиқаришдаги физик ҳодисалар ва инновацион технологик жараёнлар ҳақидаги тасавурлари шакллантирилиб, касбий фаолиятидаги компетентлиги ривожлантирилди;

5) бўлажак кон-металлургия саноати мутахассис кадрларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги инновацион касбий фаолият мазмуни такомиллаштиришга эришилди.

Бўлажак кон-металлургия саноати мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш мезонларига асосланган модели ижтимоий буюртма, яъни мутахассисларнинг тайёргарлик даражасида қўйиладиган умумий талаблар, ўқув режа ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, касбий фаолият объектлари, касбий фаолият турларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёни амалга оширилиб, белгиланган мақсад асосида бўлажак муҳандис кадрларни инновацион касбий фаолиятга йўналтирилган масалалар ечиш орқали тайёрлашда “Бўлажак мутахассис кадрларни касбий фаолиятга таёрлаш технологияси” ва “Бўлажак мутахассисларни инновацион ривожлантириш мезонлари” ҳамда



3-расм. Бўлажак кон-металлургия саноати мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш модели

“Натижавий” компонентларнинг вертикал траекториясига асосланган таълим ва ишлаб чиқариш жараёнлари орқали амалга ошириладиган модел мазмунан такомиллаштирилган бўлиб, қуйидагича изоҳланади (3-расмга қаранг).

Ижтимоий буюртма: кон-металлургия саноати корхоналари талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган бўлажак мутахассис кадрлар тайёрлаш бугунги кунда техника олий таълим муассасаларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Модел мақсади: бўлажак кон-металлургия саноати тизими мутахассис кадрларнинг компетентлигини касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини инновацион ёндашувлар, дастурий таълим воситалар ва тамойиллар орқали такомиллаштирилиб, дидактик, ташкилий-методик хусусиятлари ўрганилди.

Бўлажак инновацион муҳандис: физика фани мазмунини дуал таълим технологиялари асосида ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий алоқасини таъминловчи интеграциялашган инновацион таълимни ташкил этиш, физик ҳодиса ва қонуниятларнинг реал ишлаб чиқаришдаги тадбиқига қаратилган, фан ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўқув-амалий фаолиятини жорий этувчи, амалий машғулотларда касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали мустақил таълим олишни рақамлаштириш орқали йўлга қўйиш асосида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш ғоялари илгари сурилган.

Бўлажак мутахассис кадрларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологияси: физика фанидан амалий машғулотлар олиб боришда инновацион таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари ва дуал таълим технологиялари ёрдамида физика фанининг кон-металлургия саноатидаги аҳамиятини кўрсатадиган касбий йўналтирилган масалалар ечиш орқали кон-металлургия саноати мутахассис кадрларининг касбий фаолиятидаги компетентлигини такомиллаштирувчи таълим методлари ишлаб чиқилиб, тадқиқот объектларидаги тажриба-синов машғулот жараёнларларида амалий тадбиқ қилинди.

Бўлажак мутахассисларни инновацион ривожлантириш мезонлари қуйидагича ихохланади:

Мотивацион – ўз устида мустақил ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш, амалий машғулотларда техникага қизиқиш ва кузатувчанлик, техник тафаккурини ошириш, техникани бошқариш, техник ташхислаш, новаторлик каби касбий компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

Иродавийлик – бўлажак мутахассиснинг таълим олиш жараёнидан бошлаб малакали мутахассис кадр даражасига етгунга қадар бўлган даврда дуч келадиган қийинчиликларни енгиб ўтишни таъминловчи мезонларни ўз ичига олиши назарда тутилган.

Интеллектуал – бўлажак мутахассисларни кон-металлургия саноати тизимида фойдаланиладиган инновацион техника ва технологиялардан касбий фаолияти давомида фойдаланиш кўникмаларини тезкорлик билан эгаллаши лозим бўлади.

Техник – кон-металлургия саноатида қўлланиладиган жиҳоз ва мосламалар, машина ва механизмлар, техника ва технологияларнинг тузилиши, ишлаш жараёни, улардан амалда қандай мақсадларда фойдаланишга доир амалий кўникмаларни эгаллашлари назарда тутилган.

Амалий – бўлажак мутахассисларни олий таълим муассасасида эгаллаган назарий билимларини кон-металлургия саноатида қўллай олиш компетенциясига эга бўлиши керак.

Профессиограмма – талабаларни келажакда ўзлари танлаган мутахассислик бўйича етук мутахассис кадрлар бўлиб етишларида, амал қилиши лозим бўлган касбий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда касбий фаолият траекториясини стратегик режалаштириши керак.

Бугунги кунда бўлажак мутахассис кадрларни замонавий ишлаб чиқариш шароитларида ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида фаолият олиб боришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид касбий йўналтирилган ўқитиш технологияларини жорий қилиш, ўқув-методик ва дидактик тизимини таъминлашга қаратилган илмий изланишлар кўламини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишлари ва олинган натижалар таҳлили”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси ҳамда педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг математик статистик таҳлили ёритилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларида ўтказилган. Тадқиқот ишини педагогик тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида танланган олий таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказилиб, семинар-тренинглари ташкил этилди. Техника олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак кон-металлургия саноати мутахассис кадрларининг касбий фаолиятига оид компетентлигини такомиллаштиришда касбий йўналтирилган масалалардан ечиш орқали ўқитиш методикасининг тўғри ва ишончлилик даражасини аниқлаш мақсадида, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш йўллари, шакллари ҳамда уни ўтказиш вазифалари белгилаб олинди, талабалардан сўровномалар ўтказилди.

Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, педагогик тажриба-синов ишини ўтказишга доир қуйидагилар асосий вазифалар белгиланди:

1. Физика фанидан амалий машғулотларни ўтказиш жараёнини касбий йўналтирилган масалалардан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини аниқлаш.

2. Олий таълим муассасаларида физика фанидан амалий машғулотларни ўтказишга доир ўқув-методик ва дидактик таъминотини миқдор ва сифат жиҳатдан мазмунан тизимли таҳлил қилиш.

3. Тадқиқот ишининг тажриба-синов бўйича танланган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак кон-металлургия саноати мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришда инновацион касбий фаолиятга йўналтирилган сифат, мантиқий ва ҳисоблашга доир масалалардан фойдаланишнинг долзарблигини илмий-методик жиҳатдан асослаш.

4. Талабалар томонидан физик қонунларни, соҳада фойдаланиладиган техник-технологик жараёнларда амалий тадбиқ қилишга доир ўқув материалларни назарий ва методик жиҳатдан ўзлаштириш даражаларини аниқлаш.

5. Касбий фаолитга йўналтирилган масалалар орқали талабаларда техник ва илмий адабиётлардаги ўқув материалларини таҳлил қилиш, зарур хулосалар чиқариш ва мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш.

6. Физика фанининг амалий машғулотларида касбий фаолиятга йўналтирилган масалалардан фойдаланиш натижасида талабаларнинг мутахассисликка доир касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Педагогик тажриба-синов вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, педагогик тажриба-синов ишлари 2018-2021 йиллар давомида олиб борилган. Тажриба-синов ишларида 554 нафар талаб иштирок этган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Тажриба-синов ишларида қатнашган талабалар сони

Гуруҳлар	Жами ўқувчилар сони	Ўқув йиллари		
		2018-2019	2019-2020	2020-2021
Тажриба	277	90	93	94
Назорат	277	92	92	93
Жами	554	182	185	187

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга мўлжалланган ўқитиш технологияларидан фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқув жараёни натижаларининг самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Тажриба-синов ишларида физика фанига оид билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари, бўлажак кон-металлургия саноати тизими кадрларини касбий фаолиятга инновацион тайёрлашда малака талабларига мос билимларни эгаллашлари ҳамда касбий компетентлигини такомиллаштиришда меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик материаллар асосида амалга оширилишини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишни мазмунан такомиллаштириш талаб этилади.

Тадқиқот ишида таклиф этилаётган ва тажриба-синов ишининг амалий жараёнида тадбиқ этилган методика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак кон-металлургия саноати мутахассисларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда физика фанининг амалий машғулотларини ўзлаштиришга оид касбий йўналтирилган масалалардан фойдаланиш, дарсдан ташқари машғулотларда мутахассислик бўйича

топшириқларни бериш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан дуал таълим технологиялари асосида таълим жараёнини ташкил этиш мувофиқ деб топилди. Тажриба-синов ишларининг турли босқичларида талабаларга берилган масала ва топшириқларнинг бажаришларига кўра, талабаларнинг касбий компетентлигининг такомиллашганлиги қуйидаги 3 та даража орқали аниқлаш амалга оширилди:

